



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2009 йил, 4 май, Душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (11.399)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларига мезбонлик қиладиган Гулистон шаҳридаги 16 та иншоотда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Хусусан, мусобақанинг очилиш ва ёпилиш тантаналари ўтказиладиган 20 минг ўринли Гулистон шаҳар стадиони бутунлай янги, гўзал ва замонавий қиёфа касб этди. Гулистон Давлат университети-нинг 1200 ўринли иккита талабалар уйи ва ошхонаси таъмирдан чиқарилди.
- Нукус шаҳрида Темир йўл транспорт касб-хунар коллежининг барча қулайликларга эга янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди.
- Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ҳудуддаги қишлоқ меҳнатқашларига доимий мадад кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Томди ва Кониҳ туманларининг олис овулларидидаги 300 нафар киши корхона цехларига ишга қабул қилинди. 40 нафарга яқин ёшлар комбинатнинг ўқув марказида малака оширмоқда. Комбинатга қарашли «Дўстлик» агрофирмасининг савдо уйи доимий фойдаланиш учун вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармасига топширилди.
- Термиз шаҳрида янги буюм бозори мажмуаси қурилиши бошланди. Лойиҳага кўра мажмуанинг умумий майдони 6,5 гектарни ташкил этади ва ундан 700 та савдо ўрни жой олади. Қурилиш ишлари икки босқичда амалга ошириляётган бўлиб, бозорнинг биринчи босқичи шу йил охиригача қуриб битказилиши кўзда тутилган.
- Ширин шаҳридаги Энергетика ва машиный хизмат касб-хунар коллежидида Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг «Таълим муассасаларида тадбиркорликни ривожлантириш муаммо ва ечимлар» мавзусидаги анжумани бўлиб ўтди. Унда таълим муассасаларида тадбиркорликни ривожлантириш, чорвачилик ва паррандачилик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ёрдамчи хўжаликлар, кичик цехлар ташкил қилиш бўйича амалга ошириляётган ишлар таҳлил этилди.
- Қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши Қасби туманидаги 21 та кам таъминланган оилага соғин сигир совға қилди. Кенгашнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурида кўзда тутилган бу савоҳат тадбири учун 15 миллион сўм сарфланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасба сатрларда

- БУГУН** Ҳамза туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла гузаридида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликларидида маҳалла ёшлари ва нарқолог шифокорлар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Гиевандликнинг келиб чиқиш сабаблари» деб номланди.
- СЕРГЕЛИ** туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабидида туман тиббиёт соҳаси мутахассислари, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари иштирокида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳақида нималарни биласиз?» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.
- «**DEDEMAN Silk Road**» меҳмонхонасида репродуктив саломатликни асрашнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.
- ШАХРИМИЗДА** ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзусида ўтказилган тадбир Ўзбекистон ИИВ ташаббуси билан уюштирилди.
- ТОШКЕНТ** шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан шаҳримиздаги умумтаълим мактаблари битирувчи ёшлари ўртасида ташкиллаштирилган уч кунлик «Сенинг келажакинг» мавзусидаги ижодий ишлар кўргазмаси якунланди.
- ЧИЛОНЗОР** туманидаги 162-мактабда Чилонзор туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан педагоглар иштирокида ўтказилган тадбирда ёш мутахассислар мактаби фаолият бошлаганлиги таъкидлаб ўтилди.
- УЧТЕПА** туманидаги 16-мусиқа мактабидида мактаб ўқувчилари томонидан намоиш этилган концерт дастури азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.
- ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйда стол тенниси бўйича уюштирилган мусобақаларда «Машинасозлар», «Дўстлик», Усмон Юсупов маҳаллаларидан келган 8-14 ёшли болалар ва ўсмирлар ўзаро беллашди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Йўловчилар узоғини яқин қилиш шарафи

Мамлакатимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўлами тобора кенгаймоқда. Буни Тошкент шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин.

Айни пайтда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига кўплаб замонавий автобус ва микроавтобус, хусусий ташувчиларнинг енгил автомобиллари сифатли хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, метро, трамвай-троллейбуслар хизматидан кенг фойдаланилмоқда.

Тошкент шаҳрида кунига 120 минг нафардан ортик йўловчини манзилга элтайётган ер усти электр транспорти — трамвай-троллейбуслар хизмати ташкил этилишининг ҳам узига хос тарихи бор.

1898 йилнинг декабрь ойида белгияликлар ҳамкорлигида «Тошкент трамвайи» бирлашмасини тузиш бўйича шартнома имзоланди. 1901 йилнинг 30 мартидан от торадаган илк вагонлар (конка) катнови йўлга қўйилди. Унинг дастлабки йўналиши темир йўл вокзалидан Хадра майдонигача бўлган. Ҳар бири 24 йўловчига мўлжалланган ўттизта вагонни тортиш учун уч юзга яқин от

Йиллар ўтиши билан «Тошкент трамвайи»нинг янги йўналишлари очилиб, трамвайлар кўпайди. Собир Қориев биринчи ўзбек трамвай ҳайдовчиси, унинг қизи Насиба Қориева эса трамвай ҳайдаган дастлабки ўзбек аёли бўлди.

Шаҳарнинг кенгайиб бориши ҳамда кўпайиб бораётган аҳолининг транспорт хизматида бўлган эҳтиёжи Тошкентда троллейбус харакатини ҳам йўлга қўйишни тақозо этди. Троллейбус симини монтаж қилиш, йўлга асфальт ётқизиш, трамвай йўлини қуришга нисбатан анча арзонга тушиши бу борадаги ишларни тезлаштирди. Илк троллейбус йўли лойиҳаси ишлаб чиқилди. Аммо, иккинчи жаҳон урушининг бошланиши бу лойиҳаларни амалга оширишни анча ортага суриб юборди.

Нихоят, 1947 йилдан пойтахтимизда йўловчиларга троллейбуслар ҳам хизмат кўрсата бошлади. Уша пайтда темир йўл вокзалидан Чорсу бозоригача бўлган биринчи йўналишда бор-йўғи олтига троллейбус катнар эди. Кўп ўтмай уларнинг сони 13 га етказилиб, янги йўналишлар очилди.



Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан соҳа ходимларини кўллаб-қувватлаш, йўловчи ташуви транспорти тизимини янада такомиллаштириш, йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга ошириляётган кенг кўламли ишловлар самарасида йўловчиларга трамвай ва троллейбуслар хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги кескин ошди. Янги йўллар қурилди. Трамвай ва троллейбуслар сони ортиб, уларга техник хизмат кўрсатадиган ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган янги корхона ва деполар ташкил этилди.

Ишга чиқадиган ҳар бир электр транспорти ҳайдовчисини тиббий, транспорт во-

ситасини эса техник қўриқдан ўтказиш тартиби жорий этилди. «Тролзаъмирсервис» корхонасида троллейбусларни капитал таъмирлаш, деполарда эса трамвай ва троллейбусларга техник хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Бугунги кунда 180 километрли 12 йўналишда кунига 150 га яқин трамвай ва троллейбус йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда, — дейди «Тошэлектротранс» давлат компанияси директори ўринбосари Шавкат Сулаймонов. — Тезкор ва хавфсиз бу электр уловлар ўзининг кўплаб қулайликлари билан ҳайдовчи ва йўловчиларга манзур бўлмоқда.

Атроф-муҳит учун зарарсиз, қорли-қировли кунда хавфсиз электр транспорти хизматини ривожлантириш борасида қуриляётган бундай чора-тадбирлар натижасида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги тобора ошмоқда. Янги йўналишлар очилляптир.

Трамвай ва троллейбусларни 68 электр станцияси энергия билан узалтис таъминламоқда. Йўналишларда юзга келадиган техник носозликларни зудлик билан бартараф этувчи авария хизмати моддий-техника базасининг яхшилангани йўналишларда мунтазам ва ишончли харакатни таъминлаш имконини бермоқда.

Компания қошида фаолият олиб бораётган ўқув марказида трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ерда ўтган йили 60 нафарга яқин йигит-юкчи ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олди. Шукр Иброҳимов — улардан бири.

Ҳайдовчилик — менга ота касб, — дейди Шукр. — Беш ойдан бери 2-троллейбус саройида шу вазифада ишлялман. Йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишдек шарафли касб эгаси бўлганимдан жуда хурсандман.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири



бириктирилган. Уша пайтдаги ингичка рельси йўлнинг умумий узунлиги 10 километрни ташкил этган.

1912 йилда Тошкент темир йўл вокзалидан ҳозирги Ҳамид Олимжон метро бекатигача электр билан ишляйдиган трамвайлар юра бошлагани ушбу транспорт харакати тезлигини кескин оширди.

Ҳақиқатинан, йил сайин ортик бораётганидан далолатдир. Жорий йилдаги танловнинг ўзига хослиги унда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган энг яхши материал ҳамда «Энг яхши матбуот хизмати» каби янги номинациялар ҳам жорий этилди.

Танловнинг бош миллий мукофоти қўлга киритган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарриратининг ижодий гуруҳи — гуруҳ раҳбари Мамадамин Сафаров — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баробаридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намоиши этилди.

Танталани маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ



Мамлакатимизда барча жабҳаларда изчиллик билан амалга ошириляётган ишловларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, ҳолис ва ҳаққоний ёритиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар меҳнатини эъозлаш, уларнинг самарали ижод қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларига мукофотлари тантанали топшириш маросимида булар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Тадбирда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

«Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, эр-

кинлигини таъминлаш, унинг янги-янги ишловлари қараёнларидида аҳамияти, таъсирини янада кучайтириш, самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари талаблари даражасидаги шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилляганини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари таҳриратларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имкониятлар яратиш, ҳар томонлама кўмак кўрсатиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб ма-

лакаси ва маҳоратини юксалтириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик журналистлардан билдирилган ишончга муносиб бўлишни, масъулятни астойдил ҳис этишни, жаҳон журналистикасининг илғор иш таҳриратини пухта ўзлаштиришни, эл-юрт қувончу ташвишлари билан ҳамнафаслик, давр билан ҳамқадамликни, маънавий уйғоқликни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячиси сифатида иш қўришни талаб этмоқда.

Тўртинчи марта ўтказиляётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти

учун халқаро танлови энг фаол, изланувчан, серғайрат, ташаббускор журналистларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини тарғиб ва ташвиқ этиш, оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашушни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йилги танловга тўрт юзга яқин журналистан беш мингдан зиёд ижодий иш келди. Бу эса танловнинг нуфузи ва ма-

вақеи, аҳамияти йил сайин ортик бораётганидан далолатдир. Жорий йилдаги танловнинг ўзига хослиги унда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган энг яхши материал ҳамда «Энг яхши матбуот хизмати» каби янги номинациялар ҳам жорий этилди.

Танловнинг бош миллий мукофоти қўлга киритган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарриратининг ижодий гуруҳи — гуруҳ раҳбари Мамадамин Сафаров — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баробаридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намоиши этилди.

Танталани маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЖАҲОНДА

- Панамада ўтказилган президент сайловларида ўнг альянсдан номзод Р.Мартинелли ғалаба қозонди.
- Грузия муҳолифати мамлакат Президенти М.Саакашвили билан музокаралар ўтказишга тайёрлигини билдирди ва маъмуриятдан учрашув жойи ҳамда вақтини белгилашни талаб этмоқда.
- Судан ва Чад мамлакатлари ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш тўғрисида битим имзоланди.
- Курраи заминда жуда тезлик билан тарқалиб бораётган чўчка гриппи хасталиги Европа Иттифоқиға аъзо тўққизта давлатда қайд этилди. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотиға кўра бугунги кунга келиб жами касалланганлар сони 918 нафарга етган.
- Халқаро Америка тараққиёт банки чўчка гриппи вирусига қарши курашиш учун Мексикаға 3 миллиард АҚШ доллари микдоридида кредит ажратадиган бўлди.
- Россия Федерацияси ҳукумат комиссияси томонидан Иркутск областидаги кўп қаватли уйлардан бирида маиший газнинг портлаши ва ёнғин чиқиши оқибатида саккиз кишининг ўлганлиги сабаблари ўрганилмоқда. Ушбу ҳодиса юзасидан жиноий иш очилган.
- Венесуэлада ҳарбий вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида 18 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Кеча Гватемалада Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллик zilzila содир бўлган. Ҳозирча вайронгарчиликлар ва қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ.
- Жаҳонда кузатиляётган молиявий-иқтисодий инқироз евро валютасида муомала қиляётган мамлакатлардаги ахволни тобора мураккаблаштирмоқда. Хусусан, «евро» худудида март ойи ҳолатига кўра, ишисизлик даражаси 8,9 фоизга ошиб, умумий миқдорда 14,160 миллион кишига етган. Минтақада инфляция даражаси апрель ойида ҳам худди мартдагидек 0,6 фоизга тенг бўлди.
- Мексикада наркомафия билан алоқадорликда гумон қилинган ҳолда махсус хизмат вакилларидан 12 киши ҳибсга олинди.
- Австрия пойтахти Вена яшаш ва ишлаш учун энг қулай шаҳар мақомиға эришди. «Мегсег» фирмаси томонидан ўтказилган сўров натижалари буни тасдиқлади. Рейтингда иккинчи ва учинчи ўринларни Швейцариянинг Цюрих ва Женева шаҳарлари эгаллади. Тўртинчи ўрин Канаданинг Ванкувер шаҳриға насиб этган бўлса, Окленд (Янги Зеландия) шаҳри бешинчи бўлди.

Айни пайтда жаҳон молиявий-иктисодий инқирозни кўлаб қамраб олган, айниқса ривожланган давлатларда жиддий тус олаётгани халқаро жамоатчиликнинг хавотирга солиб, диққат-эътиборини жалб қилмоқда. XXI асрнинг глобаллашув даврида ҳар жиҳатдан, жумладан ташқи иқтисодий муносабатлар чамбарчас бўлган бир пайтда бирон-бир мамлакат бундай вазиятдан истисно бўлишини мутлақо иложи йўқдир.

Бошқача айтганда, йиллар давомида шаклланган ва глобал тус олган, бир-бирига боғланган кўлаб халқлардан иборат жаҳон ҳўжалиги занжирининг заифлиги ипотека бозоридан бошланиб, дунёнинг барча давлатларини қамраб олди. Ипотека инқирози нафақат АҚШнинг молия тизимида танглик ҳолатига олиб

барча комиссиялари ўз йўналишларида кенг муҳокама қилиш билан бирга, инқироздан чиқиш бўйича ўз ёндоқларини белгилаб олишган ва айни пайтда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш, тежорликда амалга оширишга киришмоқда. Тошкент шаҳри мамлакатимиз иқтисодийнинг марказий бўлини ташкил этиб, ялли ички маҳсулотда, хусусан, ташқи савдо айланмаси, сармоёллар, бандлик, пул маблағлари айланмаси бўйича муҳим кўрсаткичларда салмоқли ўлушга эга.

Шу сабабли глобал молиявий-иктисодий инқирознинг салбий оқибатлари аввало пойтахтимизда яққол намоён бўлиш аҳтимоли катта. Баъзи рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, фикримизни исбот-

корлар имкониятлари доирасида 2012 йилгача ва ундан кейинги даврга мўлжалланган бизнес лойиҳалар банкни шакллантириш ва амалга оширишга киришиш керак. Бу ишга консалтинг хизматларини, олимларни ҳамда кўнга кўринган экспертларни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Арзон таннархли ва кўп қаватли уй-жой қурилишининг 2012 йилгача ва ундан кейинги даврга мўлжалланган мажмуавий дастури ишлаб чиқиш, турар жой маззелари қурилиши бир вақтнинг ўзида пойтахтнинг тўрт ёки бешта ҳудудда бошланиши мумкин. Бу лойиҳаларга хорижий ҳамкорларни ҳам жалб этиш имкониятларини кидириш лозим. Бу эса инқирознинг салбий оқибатларини юмшатишда ишисизларни иш билан банд қилиш ҳамда уй-жой соҳасида тадбиркорликни рағбатлантиришга имкон очиб беради.

Аҳолини кам таъминланган қатлами учун даромад манбаларини яратиш мақсадида қисқа муддатларда иш ўринларини шакллантириш мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни янада жонлантириш, жумладан, савдо шохобчалари, ободонлаштириш, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига кенг имконият бериш керак.

Ушбу кайд этилган йўналишлар шаҳар ҳокимиятининг тегишли қорери билан тасдиқланган дастурга ёнма-ён ёки мувофиқлаштирилган равишда татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

— Ҳар бир тақлиф амалиёлаштириш манбаси кўрсатилган ёки олинган ҳолдагина амалда ўз ифодасини топади... — Саволни тушунган ҳолда, тақлиф этилаётган лойиҳаларни биринчи навбатда шаҳар бюджетининг профитлиги, яъни охири бажарилган ҳисобига, иккинчидан, маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатлар таркиби қайта кўрилиб, ундан орттирилган ёки тежалган маблағлар эвазига амалга ошириш мумкин. Учинчидан, манфаатли ишлаб тақлиф этилса, хориждан маблағ жалб этиш ҳам мумкин. Яна бир манба — бу солиқ, банк ва боғжона тартибларида яратилган қўлайликлар, марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг тадбиркорлар фойдасига либерал ёндоқларини аҳоли ва тадбиркорларнинг ўз маблағларини юқорида кайд қилинган лойиҳаларга сафарбар этишларига ҳам қўлай имкониятдир.

Бундан ташқари вилоятларнинг тадбиркорлик ва жағғариш имкониятларини пойтахтда аккумуляция қилиш имкониятларини кенгайтириб бориш лозим. Бу ҳам қўшимча ресурсларни жалб қилишда ижобий натижа беради. Шаҳар Савдо-санот палатаси билан ҳамкорликда пойтахтнинг экспорт салоҳиятини ошириш стратегияси ишлаб чиқишга ҳам эътибор қилиш лозим. Юқоридаги чора-тадбирлар, дарҳақиқат, самарали бажарилгани оқибатдан инқирозга қарши амалга оширилаётган ишлар бўйича мониторинг ва экспертиза қилиш хизмати ҳам ташкил этилса фойдалан холи бўлмайдди. Ушбу тузилма томонидан мунтазам равишда — декада, ой, чорак ва ярим йиллик ишлар ўрганилиб, тахлил натижалари қўлимизда қатта куч, яъни депутатлик корпуси орқали ҳокимият органлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга ошириш мақсада мувофиқ деб ҳисоблайми. Инқироздан чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш, қолгандек, иқтисодий ўсиш ва аҳоли иқтисодий қўлағларини мустаҳкамлашда давлат билан биргаликда ҳевосида иқтисодийнинг барча тармоқларида фаолият юритаётган субъектлар ҳам асосий вазифасини бажаришга ҳаракат қилишлари лозимлигини замон талаб этаётир.

Сўхбатни Илмира ЗАЙНУТДИНОВА олиб борди

Долзарб мавзу ҲАР БИР ЖАБҲАДА ҶАВОБЛИК ДАРКОР

келди, балки иқтисодийнинг реал секторидан ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши билан давом этди. Бу ўз-ўзидан иқтисодий тармоқларида иш ўринлари қисқаришига ва ишсизлик даражаси ошишига сабаб бўлди.

— Бугунги кунда нафақат маҳаллий мутахассислар, балки халқаро экспертлар фикрига қараганда, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг ўзбекистон иқтисодидига таъсири ва уни юмшатиш омиллари бошқа давлатлар ва минтақалардаги шарт-шароитлар ҳамда омиллardan анча фарқ қилади. Бунга изоҳ бериб ўтсангиз.

— Ўзбекистонда қабул қилинган ўзгача хос ислохот ва модернизация моделининг муваффақиятли амалга оширилишига, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги, мамлакатимизда молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими барқарор ишлаши учун зарур ресурслар неғизги мавжудлиги, давлатимиз ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор сифатида жаҳон ҳамжамиятида танилиб келинганлиги шундай фикрлар билдирилганга асос бўлаётир.

Аммо мамлакатимиз Президентининг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асариде белгилаб берилганидек, инқирознинг халқаро ҳамжамиятининг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми бўлган мамлакатимизга таъсири бўлмайди ёки инқироз бизни четлаб ўтади, дейиш масалани тушунмаслик ёки кўр-кўрона ундан кўз юмиш билан баравардир.

— Шаҳар Кенгаши депутатлари, хусусан, маҳаллий Кенгаш комиссияларининг бу борадаги фаолиятига тўғрисида сўз қилингиз. Инқироздан чиқиш йўллари миллий иқтисодий тизимиз, жумладан, пойтахтимиз учун қандай кўринишда бўлади, бу борада асосий йўналишлар сифатида қайси тармоқларни ёки тадбиркорлик фаолиятини алоҳида кўрсатиш мумкин?

— Инқирознинг қўлими ва унинг оқибатлари мамлакатимиз иқтисодидига, тадбиркорларнинг ишчанлик фаолиятига ва аҳолининг турмуш даражасига таъдид ва таъшиш туғдираётганини яхши англаган ҳолда, шу жумладан пойтахт Кенгашининг

лаш имконияти юзага келади. 2009 йил биринчи чорак ақунари бўйича ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,8 фоизга кўпайиб, жумладан санаотда ўсиш сурьатлари ҳам 11,8 фоизга, халқ истеъмоли маҳсулотлари ҳажми 9,1 фоизга, экспорт қарийб 71 фоизга ортиги билан таъминланди. Аммо таҳлиллар шуни ҳам кўрсатадики, пойтахтда 124 йирк қорхона бўлса, шундан 37 таси, яъни ундан бир қисмида ишлаб чиқариш ҳажми пасайган. Утган йилга солиштирадиган бўлсак, бу 50 фоизга кўп демакдир. Истеъом маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан машғул 69 та қорхонадан 22 тасида ҳам пасайиш кузатилади.

— Сиз бошқараётган комиссиянинг охириги йўналиши бўлса, бу ҳақда Иқтисодий баш бошқармаси, баъзи қорхона раҳбарлари тегишли ахборот билан қатнашганлари маълум. Комиссия қандай хулосага келди?

— Мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига нисбатан шахримизнинг инвестицион фаолигини ошириш, тадбиркорликни мажмуавий тарзда қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли даромадларини муттасил ошириб бориш имкониятлари кенг. Демакки, истиқболли ва кенг қўламли ишлаб чиқариш, инновация, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, давлат иқтисодий сисъатининг барча бўғинларини самарали қўллаш, хорижий сармоавий лойиҳаларни жадвал татбиқ қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозим. Шундагина инқирознинг жиддий оқибатларидан халос бўлишимиз мумкин бўлади.

Шу ўринда қуйидаги назарияга эътибор қаратмоқчи эдим. Инқироз пайтда аҳоли қўлидаги пул маблағлари, банклардаги кредит ресурслари, бюджетта даромад манбалари, қорхоналарнинг жағғариш имкониятлари кескин қамайиб кетади. Бундай вазиятда банкларни кредит беришга, давлатнинг бюджет харажатларини оширишга, қорхоналарнинг эса инвестицион лойиҳаларини татбиқ этиш имкониятлари чекланиб қолади. Бу ҳолатдан чиқишда аввало шаҳар бюджетининг таркибини хозирги шароитдан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш ва реструктуризация қилиш керак, бугунги куннинг устувор йўналишларини аниқлаб олиб, шунга қўра даромад манбаларини ва харажат йўналишларини тақомиллаштириш лозим. Тадбир-

Анжуманлар

БОЖХОНА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Кунги кеча шахримиздаги Олий ҳарбий божхона институтида «Ўзбекистон Республикасида божхона маъмуриятчилиги тизимини тақомиллаштириш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республика Давлат божхона қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, соҳа мутасаддилари ва ҳарбий божхона институти тингловчилари иштирок этишди.

Анжумани кириш сўзи билан очган Олий ҳарбий божхона институти бошлиғининг биринчи ўринбосари Собит Алимбоев мустақиллик йилларидаги қўсқа тарихий муддат ичиде республикамиз Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистонда халқаро талабларга жавоб берадиган божхона хизмати ташкил этилгани, унга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи мақоми берилгани, Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан Божхона кодекси, «Божхона хизмати тўғрисида» ва «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганлиги, шунингдек, божхона хизмати учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган Марказий Осиеда ягона бўлган маъмур Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилиб, Миллий кинология маркази фаолияти йўлга қўйилгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз божхона хизмати Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят, Тошкент шаҳар божхона бошқармалари ва «Тошкент-Аэро» иқтисодлаштирилган божхона комплекси ҳамда улар таркибига кирувчи 164 та божхона пости, шу жумладан 107 та чегара ва 57 та ташқи иқтисодий фаолият постини ўз ичига олган кенг қамровли тизимдан иборат.

Тадбирда шунингдек, Давлат божхона қўмитаси Ахборот технологиялари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аваз Абдуллаев «Божхона тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар», Давлат божхона қўмитаси Божхона назоратини ташкил этиш Бош бошқармаси бошлиғи Р. Ақромов «Божхона назоратини ташкил этишда амалга оширилаётган ислохотлар», Давлат божхона қўмитаси Қадрлар бош бошқармаси бош инспектори А. Сунонов «Давлат божхона қўмитаси томонидан амалга оширилаётган кадрлар сисъати ва унинг устувор йўналишлари» мавзуларида сўз юритиб, мамлакатимизда божхона назоратини ташкил этишдаги ислохотлар, ҳаётга татбиқ қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек божхона тизимига замонавий ахборот технологияларини жалб этиш каби қатор йўналишларда амалга оширилаётган, аниқ мақсадга қаратилган ишлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бердилар.

Тадбир давомида иштирокчилар Олий ҳарбий божхона институтида тингловчиларнинг таълим- тарбия олиш жараёнлари ва уларга жаҳон андозалари даражасида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишлар ҳамда уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Шоира МУХАМЕДОВА



Бугунги кунда одам савдоси халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб, унинг таъсиридан халқимизни ҳимоя қилиш давлат сисъатининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — КОМИЛЛИК БЕШИГИ

Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган савдо-харажатлар ушбу муаммони ҳал этишнинг ягона йўли сифатида миллий қонунчилик тизимини тақомиллаштириш билан бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси» (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жаъолаш ҳақидаги Протоколи ратификация қилинди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирад Мақамасининг Қарори билан одам савдоси жабрдидаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эса бу борадаги ишлар

қўламини янада кенгайтирди. Бугунги кунда қонунчиликдаги янгиликлардан аҳолини хабардор қилиш, уларнинг ҳуқуқий онгини янада ошириш ва ҳуқуқий маданиятини мунтазам юксалтириб бориш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири кунги кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Адлия вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва одам савдосига оид мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган кўрамали плакатлар, буклетлар тарқатилди.

Шаҳризода МУХСИМОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ГОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

Бош Миллий мукофот
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг ижтимоий-сисъий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳаррирининг ижодий гуруҳи — гуруҳ раҳбари Мамадмин Сафаров. Одам савдосига қарши курашиш ва қонунчилик миграциясининг олдини олиш масалаларига бағишланган «Адашганлар қисмати» туркум кўрсатувлари учун.

Асосий номинациялар
Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:
Дилфуза Эсонова — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Ахборот» маркази муҳаррири. «Парламент соати» руқнидаги муаллифлик кўрсатувлари учун.

2-ўрин:
Алишер Ҳошимов — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» инфорацион дастури катта муҳаррири. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сисъий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётидаги ўзгаришларни ёритган материаллари учун.

3-ўрин:
Рухсора Ғофурова — Самарқанд — СТВ телерадиокомпанияси муҳбири. Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (радио):
1-ўрин:
Шоҳида Абдуалимова — Ўзбекистон Давлат санъат институти журналистика кафедраси ўқувчиси. Ҳуқуқий мавзудаги туркум эшиттиришлари учун.

2-ўрин:
Муқаддас Халилова — «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири. «Хабр дарси» руқнидаги ёшлар тарбиясига бағишланган эшиттиришлари учун.

3-ўрин:
Дилбархон Ғаниева — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканали муҳаррири. Маънавий-маърифий мавзудаги эшиттиришлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):
1-ўрин:
Мақсуд Жонионов — «Халқ сўзи» газетасининг бўлими мудирини. Ватан тўғриси, миллий мерос ва миллий қадриятлар мавзуларидаги мақолалари учун.

2-ўрин:
«Белла Терра» ва «Жаннатмақон» журналлари таҳририяти — бош муҳаррирлари Мадина Мўминова ва Ирода Дадажона. Маънавий-маърифий ва ижтимоий-илмий мавзудаги мақолалари учун.

3-ўрин:
Лўқмон Бўриев — «Ёшлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари. Миллий қадриятлар, аъналар ва урф-одатлар ҳақидаги материаллари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):
1-ўрин:
Рафиф Нигматуллин —uz.Report сайтининг директори — бош муҳаррири. Ҳуқуқий-иқтисодий долзарб масалаларини ёритган материаллари учун.

2-ўрин:
Гулбахор Тангирова — «Заря Сурхана» ва «Народное слово» газеталарининг муҳбири (Сурхондарё вилояти). Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритган материаллари учун.

3-ўрин:
Ҳалим Саидов — «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири. «Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси» руқнидаги материаллари учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича
Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун
Озод Шарофидинов — Ўзбекистон Қаҳрамони (марҳум)

Фаол фуқаролик позицияси учун
Раҳим Мақсудов — «Кизилтепа тонги» туман газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)

Ижтимоий-сисъий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун
Собир Дадаҳўжаев — «Водил ёдуси» туман газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун
Мнажатдин Қутлимуратов — «Хожайли ҳақиқати» туман газетаси муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси)

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» га бағишланган энг яхши материал учун
Моҳиниса Камолова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сисъий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририати бош муҳаррири ўринбосари

Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун
Урол Утаев — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун
Инобат Ибрагимова — «Ватанпарвар» газетаси бўлими муҳаррири

Энг яхши журналистик текширув учун
Примкул Дўстмаматов — «Ишонч—Доверие» газеталарининг ўз муҳбири (Сирдарё вилояти)

Мураккаб шароитларда (фавқуллода вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун
Муродулла Абдуллаев — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

Энг яхши режиссёрлик иши учун
Андрей Афин — «Ўзбектефильм» студияси режиссёри.

Энг яхши матбуот хизмати
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати — раҳбари Светлана Ортиқова

Энг яхши фоторепортаж учун
Бурхон Ризоқулов — «Маърифат» газетаси фотомуҳбири

Энг яхши карикатура учун
Абдурашул Ҳасимов — жамоатчи муҳбир (марҳум)

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материал учун
Муҳаммад Аббас Хан — журналист (Покистон)

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:
БМТ

Минг йиллик тараққиёт мақсадлари мавзусини ёритгани учун:
Гулруҳ Мўминова — «Зарафшон» газетаси муҳбири (Самарқанд вилояти)

ЮНЕСКО
Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун
Ҳилола Болтаева — «Ёшлар» радиоканали бошловчиси

ЖАҲОН БАНКИ
Қишлоқ ҳаётининг барча жиҳатларини мукаммал ёритгани учун
«Фермер-пресс» газетаси таҳририяти — бош муҳаррир Башорат Имомова



ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

Тошкент — кимлар учун тараққиёт дебочаси, яна бировлар учун пул тўла ҳамён, кимлар учундир барча-барчаси. Бироқ мен учун Тошкент — «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси!

Мусаффоликка чўмилган само. Гавжум ва серкатнов кўчалар. Қартайган илдири тупроқни кучиб ётган баҳайбат қайрағочлар. Иродасини синовдан ўтказиш-чун тош йўллар бағрини ёриб чиқаётган майсалар...

Тошкент билан бугун тунда суҳбат қуришга келишиб олдик...
Акмал ЖУМАУРОДОВ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 2-босқич талабаси

Тошкент — 2200 ёшда. Шаҳар бу манзилга етиб келгунга қадар не-не машаққатлар оловида тобланмаган дейсиз. Балки, гапларим жўн туюлар, лекин мен учун Тошкент — бу-вижонимнинг армон билан айтиб кетган кўшиги.

Мусаффоликка чўмилган само. Гавжум ва серкатнов кўчалар. Қартайган илдири тупроқни кучиб ётган баҳайбат қайрағочлар. Иродасини синовдан ўтказиш-чун тош йўллар бағрини ёриб чиқаётган майсалар...

Тошкент билан бугун тунда суҳбат қуришга келишиб олдик...

Акмал ЖУМАУРОДОВ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 2-босқич талабаси

Тошкент — мен туғилиб ўсган гўша, киндик қоним тўкилган муқаддас даргоҳдир. Тошкент — аждодларим маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминдир.

Тошкент шаҳрининг бой ўтмиш тарихи, моддий ва маънавий дурдоналарини асраб-авайлаш, буюк олимлар, бетақрор табиати, Ўзбекистоннинг юраги бўлган азим пойтахтимизнинг тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиши билан бирга илм-фан ва Ислоҳ маданиятининг маркази ҳисобланишини талаба-ёшлар онгига сингдириш, шу билан бирга уларнинг дунёқароши, бадий ижодиётга қизиқиш ва фикрлаш қобилиятини кенгайтириш, истеъодларини намойиш этишга кўмаклашиш, ёшлар қалбида ўзбек халқининг фарзанди эканлигидан фахрланиш, ифтихор туйғусини ўстириш, ушбу мақсадга эришиш йўлида ёшларга хос софлик ва жўшқинлик, гайрат-шижоат, миллий гурур туйғуларини ошириш мақсадида «Тошкент — менинг нигоҳимда», «Шаҳрим — фаҳрим», «Бу менинг шаҳрим», «Тошкентим тарихи», «Икки авлод фикри», «Тошкент — Шарқ дарвозаси» каби мавзуларда иншолар танловини эълон қилди.

Танлов икки босқичда ўтказилмоқда. Биринчи босқичнинг якуни Наврўз байрами арафасида сарҳисоб қилинди. Иккинчи босқичнинг якунловчи қисми эса Мустақиллик байрами арафасида ўтказилди.

Қуйида танловга топширилган энг сара иншолардан намуналарни бераёلمиз.

Бахтиёр она ҳайкалидир.

Тошкент метрополитени ҳам Марказий Осиёда ягонадир. Кейинги даврда пойтахт телеминораси тубдан таъмирланди, метронинг янги йўналишлари ва станциялари бунёд этилди. Пойтахтимиз тўйига тайёргарлик кўриш жараёнида бунёдкорлик кўламлири бутун шаҳар бўйлаб бун-

Самарқанд кўз олдимда намоён бўлади. Мен уларни худди ака-укаларга ўхшатаман. Самарқанд сарҳадларининг шомолини Тошкентда ҳис этаман. Мен шундай бетақрор шаҳарларни ўзида бирлаштирган Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан бошим кўкка етади. Шу аснода, Мақсуд Шайхзоданинг Тошкент шаънига атаб битилган лирик достони «Тошкент-

чаларни қондирувчи боғлари, кўчалари, замон талабларига жавоб берадиган гўзал иншоотлари ҳавасимни келтиради. Тошкентнинг атиргул гўнаҳасидек кундан-кунга очилиб бораётган қиёфасига кўз тегмасин деб шоир сатрлари билан фикрим якунига нукта қўяман.

Ҳамиша устувор бўл, барқарор бўл ҳамиша,

Эй, кўхна Шаркизмнинг ҳеч сўнмас машаласи.

Номинг каби мустақкам, пойдевор бўл ҳамиша, Дўстлик, бахт, муруватнинг мангу боқий қалъаси.

Мунира НАЗАРОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 4-босқич талабаси

Кўз ўнгимизда пойтахтимиз Тошкент йилдан-йилга обод ва кўркам, жаннатмакон гўзал бир масканга айланиб бормоқда. Тошкентнинг ўтмиши ва бугунини солиштирадиган бўлсак, айниқса мустақиллик йилларида шаҳримизда бемисл ўзгаришлар, янгиланишлар, ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлаётимиз.

нома» да келтирган сатрлари ёдимга тушди.

Ватаннинг маъноси улугвор

улкан, Ҳа.Ватан сўзининг чеки

бепоён.

Бу ерда туғилган, яшаган, ўлган, Яратган ишлаган, курашган

инсон.

Ватан меҳри билан ўз қадрин билган.

Ватансиз кишилар дарвиш дейилган.

Илк бор Тошкентга келганимда, 14 ёшни қоралаган ўсмир эдим. Ушанда бундай катта шаҳарни кўриб бошим айланган. Уйга қайтиб, уйку учун ёстиққа бош кўйдим. Икки кун сарфарда юриб, йирик шаҳар кўркини кўриб киприкларим бирлашиб уйку уммониға фарқ бўлганида Тошкент акси

қолиб кетди, орадан тўрт йил ўтиб, қайтиб келдим бу гўзал масканга. Мустақил қалдирғоч бўлиб, олий ўкув юртларига йўл олиш арафасида мен кўзларимда акси қолган Тошкент сари талпиндим. Мен бу ерда кўп яшамаган бўлсам-да, аммо у менинг шаҳримга айланиб қолгандек гўё. Қалбимдаги туйғулар жунбушида Тошкенту Самарқанднинг қоришиб кетганлигини ҳис этаман. Уларни энди ажрата олмайман. Тошкентда туриб Самарқанд ҳақида эшитсам, Самарқандда туриб Тошкентни гапиришса фаҳрим ортади.

Тошкент кўчаларида айланиб, ҳар бир ижод маҳсулида маънолар мужассамлигини англайман. Мустақиллик майдонининг рамзи — уч лайлакнинг тинчлик, омад ва бахт эканлигини кўрсам, Тошкент телеминорасига қараганимда келажакда шу минора каби юксакларга интилган Ўзбекистон каломини ҳис этаман. Унинг бетақрор гўшаларини айланиб, дилларнинг гўзалликка ташна гун-

Яқинда пойтахтимиздаги «Чилонзор» буюм бозорига йўлим тушди. У-бу нарсалар ҳарид қилиб юргандим, ўғилчасини қўтариб олган бир киши бу ердан қандай чиқиб кетиш мумкинлигини сўраб қолди.

Ҳайрон бўлдим...

Кейин маълум бўлишича, ҳалиги одам Қашқадарьдан экан. Тошкентга келмаганига бир йилдан кўпроқ вақт бўлибди. Бу орада бозор мажмуаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани учун адашиб қолибди. Пойтахтимизда бундай ҳоллар тез-тез учраб туриши табиий. Аслида бунинг таажжубланарли жойи йўқ. Чунки Тошкент кундан кунга ўзгариб, бутунлай янгича қиёфа касб этиб бормоқда.

Юртимизнинг барча худудларидаги каби жонажон шаҳримизда ҳам жадал қуришлар олиб борилади, бунёдкорлик, ободончилик ишлари бир зумга бўлсаям тўхтагани йўқ. Мустақиллик йилларида равон ва кенг йўллар, замонавий кўприклар бунёд этилди. Шаҳар кўркига кўрк бўлганида Тошкент акси

қолиб кетди, орадан тўрт йил ўтиб, қайтиб келдим бу гўзал масканга.

Мустақил қалдирғоч бўлиб, олий ўкув юртларига йўл олиш арафасида мен кўзларимда акси қолган Тошкент сари талпиндим. Мен бу ерда кўп яшамаган бўлсам-да, аммо у менинг шаҳримга айланиб қолгандек гўё. Қалбимдаги туйғулар жунбушида Тошкенту Самарқанднинг қоришиб кетганлигини ҳис этаман. Уларни энди ажрата олмайман. Тошкентда туриб Самарқанд ҳақида эшитсам, Самарқандда туриб Тошкентни гапиришса фаҳрим ортади.

Тошкент кўчаларида айланиб, ҳар бир ижод маҳсулида маънолар мужассамлигини англайман. Мустақиллик майдонининг рамзи — уч лайлакнинг тинчлик, омад ва бахт эканлигини кўрсам, Тошкент телеминорасига қараганимда келажакда шу минора каби юксакларга интилган Ўзбекистон каломини ҳис этаман. Унинг бетақрор гўшаларини айланиб, дилларнинг гўзалликка ташна гун-

Нигора САФАРОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети 2-босқич талабаси

ГўЗАЛ ВА НАВҚИРОН ТОШКЕНТ ЁШЛАР МАДҲИДА

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳоқимлиги ва «КАМОЛОТ» ёйиқ шаҳарча етакчилар кенгашининг ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ



Орадан йиллар ўтиб сенга бўлган иштиёқим роса ортдики, асло сусайгани йўқ. Уқиш баҳонасида сенга талпина бошладим. Шукрки, интилишларим мени сенга томон беҳато олиб келди. Нигоҳларимиз бир зумга тўқнашди. Кўз узолмай қолдим. Болалик кунларимда том тепасидан кўриниб кетган ўша қора нуқтанинг биздан озгина узокроқда жойлашган коллеж эканлигини ўйласам, нуқайдан ўзимни зўрға тияман. Хаёлларимда айланаётган Тошкентнинг қутилмаган қиёфасини янгидан кашф қилгандек бўлдим. Осмонўпар бинолардан кўзларинг тиниб кетади киши. Мақсадли ишлар билан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа шошаётган одамлар нимагиндир илинжида тиним билмайди. Уларга қараб туриб ўз-ўзимдан уялиб кетаман...

Тошкент — Ўзбекистоннинг юраги. Шаҳар тузилиши ҳамма учун бир. Аммо ҳар ким шаҳарга ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда баҳо беради ёхуд талқин қилади. Масалан, ўқитувчилар учун Тошкент илм маркази саналади. Савдогарлар учун мўмай даромад қони ҳисобланиши турган гап. Талаба учун эса чексиз имкониятлар эшиги... Мен Тошкентга оддийгина толиб кўзи билан қарашга муяссар бўлганман. Бошқа нигоҳ, фикрларимни очиб баён қилиш учун етарли эмас.

Талабалар шаҳарчаси. Бу улуг даргоҳ Тошкентнинг кичик бир бўлаги, айна пайтада менинг ҳам уйимдир. У менинг Тошкентим. Ҳар тонг талабалар турар жойидаги хонам дарчасини тоза ҳаво кириши учун очиб қўяманман, ўзимда ажиб бир энгиллик ҳис қиламан. Дилни хушнуд айловчи гулларнинг бўйлари мени ўзига чорлайди. Бу ўша кунимга хуш кайфият бағишлайди ва соғлом гоёларимга асос яратди.

Талабалар шаҳарчаси. Бу улуг даргоҳ Тошкентнинг кичик бир бўлаги, айна пайтада менинг ҳам уйимдир. У менинг Тошкентим. Ҳар тонг талабалар турар жойидаги хонам дарчасини тоза ҳаво кириши учун очиб қўяманман, ўзимда ажиб бир энгиллик ҳис қиламан. Дилни хушнуд айловчи гулларнинг бўйлари мени ўзига чорлайди. Бу ўша кунимга хуш кайфият бағишлайди ва соғлом гоёларимга асос яратди.

Талабалар шаҳарчаси. Бу улуг даргоҳ Тошкентнинг кичик бир бўлаги, айна пайтада менинг ҳам уйимдир. У менинг Тошкентим. Ҳар тонг талабалар турар жойидаги хонам дарчасини тоза ҳаво кириши учун очиб қўяманман, ўзимда ажиб бир энгиллик ҳис қиламан. Дилни хушнуд айловчи гулларнинг бўйлари мени ўзига чорлайди. Бу ўша кунимга хуш кайфият бағишлайди ва соғлом гоёларимга асос яратди.

Талабалар шаҳарчаси. Бу улуг даргоҳ Тошкентнинг кичик бир бўлаги, айна пайтада менинг ҳам уйимдир. У менинг Тошкентим. Ҳар тонг талабалар турар жойидаги хонам дарчасини тоза ҳаво кириши учун очиб қўяманман, ўзимда ажиб бир энгиллик ҳис қиламан. Дилни хушнуд айловчи гулларнинг бўйлари мени ўзига чорлайди. Бу ўша кунимга хуш кайфият бағишлайди ва соғлом гоёларимга асос яратди.

Ватан деганда, ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга етган, нечача авлод-аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати сарф қилинган юрт, яъни Тошкент кўз олдимизга келади.

Тошкент — менинг ватанам, унинг таърифини келтиришга эса менинг сўзларим ва қўлимда ўз рангини зарварақларга инъом этаётган қаламим ожизлик қилади. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, уни авайлаб-асраш эса биз фарзандлар олдидаги ҳам қарз, ҳам фарз, ҳам муқаддас бурчдир.

Бугунги кунда Тошкентнинг Мустақиллик майдонини зиёрат қилган инсон бундан 16-17 йил аввал бу ердаги сўлим боғ ва чаманзорлар, салобатли иншоотлар, кўркам ёдгорлик ва хиёбонлар ўрнида ёзинг жазирасини-ю кишининг қаҳратонига «тобланиб ётувчи» яп-яланг асфальт-бетон майдондан бошқа деярли ҳеч нарса бўлмаганини тасаввур ҳам эта олмасан керак.

Истиклол йилларида Мустақиллик майдони Тошкентимизнинг улкан меморий обидаларидан бирига айланди. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг манзарасини, айна чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бўлиб ўтган ўзгаришлар жараёнида Мустақиллик монументи, Хотира хиёбони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, замонавий фавворалар каби бир қанча буюк бунёдкорлик намуналари яратилди.

Эл-юрт шавкати, гурур-ифтихори, миллий давлатимизнинг тимсоли бўлмиш обидалардан яна бири — фарзандини бағрига босиб турган мунис ўзбек аёли сиймоси эскертган юксак меъморий-бадий мажмуа

данда кенг қулоч ёзмоқда. Озод юртининг обод пойтахти Тошкент доимо гуллаб-яшнаб, бундан-да гўзал бўлиб доимо кишилар қалбидан ўзига яраша жой олади. Биз ёшлар ҳам унинг яшнаши, яшариши учун қўлимиздан



келганча ҳаракат қилишимиз керак. Шунга айтиб ўтмоғим жоизки, Тошкент менинг нигоҳимда ягона ва танҳолар ичда бир дона Ватандир.

Мухаббат РАИМОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети 3-босқич талабаси

Тошкент. Мужгонларида қотиб қолган ёш аксида тарих сарҳадлари жонланади гўё. Унда қувонч, шодлик, унда оғир кунлар, ташвиш, унда бахт оташи, унда қайғу залвори барча-барчаси мужассам.

Инсон вақт ўтиб, қариб ўз кўркини йўқотади. Аммо, кўхна Тошкент кўрки кундан-кунга захматқаш инсонлар меҳнати ила яшнаб бормоқда. Бу гўзал масканнинг туғилган айёминини нишонлаш дилларимизда гурур ва ифтихор туйғусини уйғотади.

Тошкент номини тилга олганимда ўзим туғилиб вояга етган навқирон



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ
ХИКМАТЛАР

Хар бир нарсанинг вазифаси бор, диннинг вазифаси адабдир.

Адаб ҳимматлиларнинг зийнатидир.

Ўзингни яхши кўришинг ўзингни ҳалок қилишингдир.

Хар бир инсоннинг қиймати ҳимматига кўради.

Кисининг чиройи — сўзининг гўзаллигида, камоли эса феълининг тўғрилигида.

Хуррият қалб хурриятидир, бошқа нарса эмас.

Илм бари ҳақиқат, ҳақиқат бари илмдир.

Сиз тоғларни кўриб, тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар.

Содиқ улдурки, ўзига зиён етдиган жойда ҳам тўғри сўйлағай.

Тўрт нарса олдида бир бўлмагунча эр камол даражасига етмас: манъ, ато, иззат ва зиллат (хорлик).

Тавозе асли учтадир: ожизлигини, муҳтожлигини, гуноҳларини билмоқ.

Чин муҳаббат улдурки, маҳбубдан бошқасини кўнглидан чиқаргай.

Ёмонликларнинг яхшироғи улдурки, унинг ордидан тавба қилгай.

Хар кимнинг бойлиги мол билан бўлса, ҳамиша камбағалдир.

Қалб тириклиги нафсни ўлдириш биландир.

Ўзига бировнинг миннатини раво кўрмаган ва бирор кишига муҳтожлик изҳор қилмаган одам жавонмарддир.

Сукут сўзга насбатан таъсирлироқ ва тезда етиб боради.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

Хурматли тadbиркорлар!

Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

Кўргазмалар

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

Уч кун давомида шаҳримиздаги Абулқосим мадрасасида Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирларининг «Хунарманд» уюшмаси «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Миллий санъат маркази» билан ҳамкорликда ташкил этган «Ўзбекистон халқ амалий санъати— дунё нигоҳида» номли кўргазма-савдо бўлиб ўтди.



Ушбу тadbир Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, ўзбек халқ амалий санъати ва хунармандчилигига чет эл сайёҳларининг қизиқишларини янада ошириш ва хунармандларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Мазкур кўргазмада Республика «Хунарманд» уюшмасининг барча вилоятлар вакиллари ва номдор аъзолари иштирок этдилар. Шу билан бирга кўргазмага хорижий давлатларнинг элчихоналари, ваколатхоналари, халқаро ҳамкорлик ташкилотлари, вазирлик ва идоралар вакиллари ва бошқа меҳмонлар ташриф буридилар.

Тазкидлаш жоизки, Ўзбекистон азал-азалдан хунармандларга бой юрт бўлган. Ҳозирги кунда ҳам ўзбекистонлик хунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифати, дизайни, бадиийлиги, харидоргарлиги билан нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон бозорларида ҳам таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистондаги хар бир вилоят

хунармандчилиги ўз йўлига, ўз мақоми ва услубига эга. Бухоролик хунармандлар зардузлик билан, гиждувонлик усталар сопол буюмлари, Риштон хунармандлари кулчилик, шаҳрихонлик усталар пичоқчилик, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Ургут тумани хунармандлари миллий каш-

тачилик, хивалиқлар ёғоч ўймакорлиги билан машҳурдилар. Ўзбек халқ хунармандчилиги ва амалий санъатини, ўзбек усталари томонидан тайёрланган маҳсулотларни тарғиб қилиш мақсадида хунармандларимиз Россия, Англия, АҚШ, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Франция давлатларида ўтказилган халқаро ва мамлакатимиздаги бир қатор кўргазмаларда иштирок этдилар. Бўлиб ўтган кўргазмада ҳам улар ўзларининг энг сара асарлари билан кўзларни қувонтирдилар.

Энг муҳими кўргазмада қатнашаётган барча уста, хунармандлар ёшларнинг миллий анъаналаримизнинг давомчилари бўлишига ҳаракат қилиб кўплаб шоғирдлар етиштирмоқдалар. Хунармандлар билан мулоқотларда шунинг гувоҳи бўлди.

Масалан, тошкентлик хунарманд табиий ва сунъий матолардан ёдгорлик буюмлари ясовчи уста Акмалхон Усмонов рафикаси Захроҳон билан биргаликда фарзандлари Фарангиз ҳамда ўнта шоғирдларига хунармандчиликларни сирларини



уларнинг ўзлари мустақил даражада маҳсулот ишлаб чиқариш даражасида ўргатмоқдалар. Кўргазмада хунармандлар оиласи ва шоғирдлари томонидан тайёрланган чиройли гуллар, кўзни қувонтирадиган ёдгорлик кўзалар ва бошқа буюмлар муҳлислар олқишларига сазовор бўлди.

Шаҳрисабзлик каштачи Юлдузон Мамадиёрова эса 600 нафар ёшларга хунармандчилик сирларини ўргатган бўлиб, шоғирдлари тиккан каштачилик маҳсулотлари билан Франция ва АҚШда ўтказилган хунармандлар кўргазмасида қатнашиб кайтидилар.

Ёш усталарнинг миллий анъаналаримиз асосида камол топишларига шунчалик катта эътибор қара-



тилаётган экан, демак, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатимизнинг хайрли анъаналари ҳеч қачон завог толмаб, авлоддан-авлодга ўтган ҳолда сайқал топиб, жиловланиб, ривожланиб бораверди.

Толибхон СУЛТОНХОНОВ СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон халқ амалий санъати—дунё нигоҳида» кўргазма-савдосидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

Анжуманлар

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Бугунги кунда дунё бўйича аср вабоси саналган ОИТС ҳамда теританосил касалликларининг ортиб бораётганлиги барчамизни хавотирга солмоқда. Мамлакатимизда ушбу касалликларнинг олдини олиш бўйича кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган.

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида бўлиб ўтган давра сўхбати ҳам худди шу мавзуга бағишланди. Анжуманни мазкур мактабнинг хотин-қизлар кенгаши раиси Ш.Ибрагимова кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи Л.Гамирова «ОИВ ва ОИТСнинг олдини олиш» мавзусида сўзга чиқиб, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолардан бири бўлган ОИВ ва ОИТС, унинг келиб чиқиш манбалари ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот берди. Шунингдек, бу иллат домига тушиб қолаётганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этаётганлиги, айниқса ачинарли ҳол эканлигини қайд этиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун доимий тарғибот ишларини қучайтириш лозимлиги, ўқувчи ва талабаларга бу касаллик оқибатида келиб чиқадиган наслий хасталиқлар ҳақида гапириб берди. Мазкур мактаб мудири Р.Исламов «Кийинги одоби ва саломатлик гигиенаси» мавзусида сўз олиб, ҳозирги кунда асосан ёшлар ўртасида кенг тарқалаётган айрим касалликлар асосан кийинги одоблари ва тартибларига риоя қилмаслик натижасида юзага келаётганлигини ўқитиб, ёшларнинг кийинги одоби ва саломатлик гигиенасига катта эътибор қаратишлари зарурлигини, шахсий гигиенга риоя қилиш саломатлик гарови эканлигини таъкидлади. Шифокор-дерматолог Д.Иноғомова эса «Теританосил касалликлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари» мавзусида сўзга чиқиб, бугунги кунда кенг тарқалиб бораётган теританосил касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари, унинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида ёшларга кенг ва атрафлича гапириб берди.

Бундай тadbирларни ўтказишдан мақсад, ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, аср вабоси бўлган ОИТС ҳамда теританосил касалликларидан асраш, уларни хар жиҳатдан соғлом ва бақувват, комил инсон қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи Л.Гамирова.

Тadbир давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан тулиқ жавобларни олдилар.

Дилором ИКРОМОВА

Спорт янгиликлари

ЁШЛАРИМИЗ БОКУГА БОРИШАДИ

Маълумки, жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ёшлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Миср Араб Республикаси мезбонлик қиладиган ушбу нуфузли турнирда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «Д» гуруҳида Гана, Уругвай ва Англия чарм тўп усталари билан голиблик учун кураш олиб боради.

Жаҳон чемпионатида муваффақият қозонишни ўз олдига ниёт қилиб қўйган Аҳмад Убайдуллаев шоғирдлари 20 майдан ўқув-машғулот йиғинларини маромига етказиш учун Озарбойжон пойтахти Бoku шаҳрига жўнаб кетишади. Ўқув-машғулот йиғинлари доирасида озарбойжонлик ёш чарм тўп усталари билан назорат-ўртоқлик учрашувлари ўтказиш ҳам режалаштирилган. Биз кўп минг сонли муҳлислар номидан ёшлар терма жамоамизга омад ёр бўлсин деймиз.

(Ўз муҳбиримиз)

ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАР ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида 2010 йили ўтказиладиган Осиё чемпионатининг дастлабки саралаш мусобақасига Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳри мезбонлик қилмоқда. Унда Фаластин, Иордания, Қирғизистон ва Мальдив ороллари вакиллари билан бир гуруҳдан жой олган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси беллашувларни муваффақиятли бошлади.

Ўзбекистонлик футболчи қизлар дастлабки учрашувида Мальдив ороллари терма жамоасига қарши майдонга тушдилар. Уйинда мальдивликлардан хар томонлама устунигини исботлаган

хамюртларимиз рақиб дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритди. Айниқса, терма жамоамиз аъзоси Наргиза Абдурашулованинг ўйини муҳлис мухтаassisларга манзур бўлди. Моҳир ҳужумчимиз рақиб дарвозасини уч маротаба ишғол қилди. Қолган голлар иктидорли ёш футболчилар — Маҳлиё Сарикова ва Камола Усмонова ҳисобига ёзилди.

Мусобақа жадвалида биттадан учрашув ўтказиб ғалабага эришган Ўзбекистон ва Иордания терма жамоалари пешқадамлик қилмоқда.

АКРОБАТЛАР БАҲСИ

Пойтахтимизда акробатика бўйича ўн саккиз ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилаётган мамлакат биринчилигининг жуфтлик беллашувларида барча олтин медаллар Тошкент шаҳри жамоаси вакилларига насиб этди.

Кизлар баҳсида Мадина Набиева ҳамда Мухлиса Раззоқова голиб чиққан бўлса, ўсмирлар ўртасида Фаҳриддин Халимов ва Шарофиддин Маҳмудовга тенг келадигани топилмади. Аралаш жуфтликлар беллашувида Ҳаким Содиков ва Мая Байгузина биринчи ўринни эгаллади.

КИМ ЭПЧИЛУ КИМ ЧАҚҚОН?

Республика олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида қиличбозлик бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Шамшир баҳсларида пойтахтлик спортчилар — Евгений Коновалов ҳамда Маргарита Андреева голиб чиқди. Шлягада ўтказилган беллашувларда олтин медаль навоийлик қиличбозларга насиб этди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Руслан Қудаев финал учрашувида наманганлик Роман Александровни мағлуб этган бўлса, Альбина Абдураҳмонова яна бир навоийлик спортчи — Гулноза Абдураҳмоновадан устун келди.

Бохир БЕК

Фуқаро муҳофазаси

БОЛАЛИҚДАН БИЛГАН ЯХШИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ИДРОК ҚИЛИШ ҲИССИ АЙНИҚСА, ЎТКИР БЎЛАДИ. БОЛАЛИҚДА ЎРГАТИЛГАН БИЛИМЛАР БУТУН УМР ЭСДА ҚОЛИШИ БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМ.

қаро муҳофазаси соҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар чўқур ўрганиб чиқилмоқда ва бошқарма ходимлари томонидан амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб, 1,5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни 7-8 балли зилзила содир бўлганда эвакуация қилиш машқлари ўтказилмоқда. Тadbирларда туманда жойлашган барча мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва Фуқаро муҳофазаси хизматлари раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар билан факулдада вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини маълум бир режа асосида ўргатиш, хар

бири ҳисобланади. Чунки дунёда содир бўлаётган турли кўринишдаги факулдада вазиятларда нобуд бўлаётган инсонларнинг 40 фоизи танг вазиятларда ўзини қандай тутиш кераклигини билмасликлари туғайи хаётдан кўз юммоқда.

Боғчаларда алоҳида Фуқаро муҳофазаси бурчагини ташкил этишда, шу соҳага оид ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар матнлари, факулдада вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш ифодаланган кўргазма-плакатлари, шахсий муҳофазаланиш асбобу-усуналари ва улардан фойдаланиш қоидалари қайд этилган эслатмалар бўлиши нафақат тарбияланувчи бо-

лалар учун, балки болаларга тарбия бераётган тарбиячилар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби, болаларга кўнжма, билим ва факулдада вазиятларда тўғри ҳаракат қилишни ўргатаётган тарбиячиларнинг ўзлари яхши билимга эга бўлишлари жуда муҳимдир. Бола онги ва қалбини бежиз оппоқ қозғоқ саҳифасига менгашмайди. Зеро

Хуришд АЛИБОВЕВ, Тошкент шаҳар Фуқаро муҳофазаси бошқармаси ходими, катта лейтенант. **Азамат СУЮНОВ,** журналист.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба
ва якшанбадан ташқари хар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3752 нускада босилади. Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида теринди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
2 5 6